



O'ZBEKISTON

BUNYODKORI

№76 (829) 2024 йил 10 сентябрь, сешанба

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

МАТОНАТ, ЖАСОРАТ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Ўзбекистон пара спортчилари Франциянинг
Париж шаҳрида ўтган XVII Паралимпия
ўйинларида 10 олтин, 9 кумуш ва 7 бронза
медални қўлга киритди.



9 сентябрь куни Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида ушбу нуфузли мусобақа ғолиблари, совриндорлари ва иштирокчиларини тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчилар, паралимпиячиларимизнинг ота-оналари, журналистлар йиғилди.

Жорий йилги спорт мавсумида Ўзбекистон фарзандлари нуфузли мусобақалар – XXXIII ёзи Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларида жаҳонга мамлакатимизнинг улкан салоҳиятини намойён қилди. Аждодлари буюк миллатнинг авлодлари ҳам буюк ишларга қодирлигини, юртимиз ёшларининг мардлик ва жасоратда, шижоат ва матонатда, иқтидору истеъдодда ҳеч кимдан кам эмаслигини, аксинча, манаман деган давлат ёшларидан устун эканини исботлади.

Спортчиларимизнинг XXXIII ёзи Олимпия ўйинларида халққа улашган, элнинг қаддини, ғурур-ифтихорини тоғдек кўтарган музаффар онларининг ҳовури босилмай туриб, яна ғалаба нашидаси, бахтиёр лаҳзалар шуқуқи қалбларимизни чулғаб олди.

Ўзбекистон паралимпиячиларининг ушбу нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик куришида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзи Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлди. Мазкур қарор асосида паралимпиячиларимиз замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказди, тажриба ва маҳоратини оширди, Паралимпия ўйинларига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга тайёрланди.

XVII Паралимпия ўйинларида Ўзбекистоннинг 65 нафар пара спортчиси мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 26 медалга сазовор бўлди.

Бу кўрсаткич билан Ўзбекистон спорт делегацияси 182 давлат орасида 13, МДХ давлатлари ўртасида иккинчи, Осиё мамлакатлари ичида учинчи, Ислон давлатлари ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

Ўғлим Паралимпия ўйинларига кетиш олдидан албатта учинчи олтин медални қўлга киритаман, деб ваъда берганди, – дейди Хусниддин Норбековнинг онаси Норжон Норбекова. – У ваъдасининг устидан чиқиб, юзимиэни ёруғ қилди. Ўғлимнинг бу тарихий ғалабаси бутун халқимизнинг ютуғи, истиқлол берган кенг имкониятлар, Президентимизнинг пара спортчиларга кўрсатган меҳр ва эътибори самарасидир.

..Мана, орзиқиб қутилган дамлр – улкан ҳаво кемасидан қўллариди Ватанимиз байроғини мағрур кўтарган спортчиларимиз чиқиб келмоқда. Карнай-сурнай садолари ёшларнинг “Ўзбекистон!” деган хайқирғига уланиб кетди.

Тантанали маросимда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов, Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Мансур Оллоёров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, сенатор Махмуд Тоир ва бошқалар паралимпиячиларимизнинг буюксак ғалабаси халқимизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлагани, мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор ва ғамхўрликнинг улкан самараси бўлганини таъкидлади.

Ғолиб ва совриндор спортчиларимиз номидан сўзга чиққан уч қарра Паралимпия ўйинлари ғолиби Хусниддин Норбеков ҳамда Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон делегацияси ҳисобига биринчи олтин медални тақдим этган Асила Мирзаёрова халқимизнинг ишончи, давлатимизнинг ёшларга қаратаётган юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирди.

Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари, иштирокчилари, уларнинг ота-оналари ва яқинлари усти очик автобусга ўтириб йўлга чиқди. Тошкент халқаро аэропортидан Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси биносига қадар музаффар спортчиларимизни кутиб олиш учун йиғилганлар уларни қўллади: “Баракалла, қудратли юртинг муносиб фарзандлари! Ғалабангиз муборак бўлсин!”

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, жисмоний имконияти чекланган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий кўмак бериш, билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, ўз қизиқиш ва интилишига мос касб-хунар эгаллаш, спорт билан шуғулланиши, халқаро майдонларда матонатини, иродасини, жасоратини кўрсатишини таъминлаш доимий эътиборда.

Франциянинг Париж шаҳрида ўтган XVII Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг ғалабага бўлган қатъий ишончи, туғилиб ўсган Ватанини баралла мадҳ этишга бўлган интилиши улар кўрсатган натижаларда бутун бўй-баста билан намойён бўлди.

Паралимпия ўйинларида матонатли ва иродали пара спортчиларимизнинг ғалабаси шарафига Ўзбекистон номи, мустақил мамлакатимиз мадҳияси баралла янгради, байроғимиз баланд хилпиради. Улар қайд этган натижалар, рекордлар, қўлга киритган медаллар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Ҳар қандай натижа таққосларда янада залворли қўринади. 2012 йили Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XIV Паралимпия ўйинларида ўн нафар пара спортчимиз иштирок этиб, битта кумуш медални қўлга киритган эди. 2016 йилги Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV Паралимпия ўйинларида 8 олтин, 6 кумуш, 17 бронза, “Токио-2020”да 8 та олтин, 5 та кумуш ҳамда 6 та бронза жами 19 медал жамғарилган эди. Ўзбекистон пара спортчилари Франциянинг Париж шаҳрида ўтган XVII Паралимпия ўйинларида 10 олтин, 9 кумуш ва 7 бронза медални қўлга киритди. Ҳа, бу ғалги натижа ўтган Паралимпия ўйинларидаги медалларни сифат бўйича ортда қолдирди.

► 2-бет

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

БМТ вакиллари иштирокида йиғилиш



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури, Глобал экологик жамғармаси ва Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда амалга ошириляётган “Ўзбекистонда энергия самарадор қишлоқ турар жой бинолари қурилишини ривожлантиришга кўмаклашиш” лойиҳасининг якуний йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вазирлик ва идоралар, шунингдек, халқаро ташкилотлар, ҳамкор тижорат банклари вакиллари ва Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси мутахассислари иштирок этишди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қуриляётган уй-жойларнинг 70 фоиздан ортиги қишлоқ жойларга тўғри келади. Шунга қўра, уй-жой секторидида табиий ресурсларга бўлган талаб, айниқса, мамлакат аҳолисининг деярли ярми яшайдиган қишлоқ ҳудудларида яққол намоён

бўлмоқда. UNDP/GEF лойиҳаси Ўзбекистон ҳудудларида жадал ривожланаётган уй-жой қурилиши секторини энергия самарадор технологиялар ва қурилиш матери-алларини молиялаштириш механизмини ишлаб чиқишни назарда тутди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони асосида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институтига бино-иншоотларда энергия самарадорлиқни амалга ошириш вазифаси юклатилган бўлиб, унга қўра, 2023 йилнинг март ойидан бошлаб БМТТД билан ҳамкорликда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Турар жой биноларининг энергия текширувини ўтказиш методологияси” асосида бино-иншоотларни энергия аудитдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом лойиҳаси ишлаб чиқилди. Турар жой биноларида энергия сарфини камайтириш талабларини қучайтириш учун қурилиш қоидалари қайта кўриб чиқилди. Худудларда қурувчилар, лойиҳа ташкилотлари ҳамда бир қатор маффаатдор ташкилот ходимларига энергия самарадорлиги бўйича семинар ва тренинглр ташкиллаштирилди. Ўзбекистонда деярли нолга тенг энергия истеъмоли бўлган биринчи кўргазмали турар жой биноси қурилиши Нурафшон шаҳрида аяқланиб, институт балансига ўтказиб берилди.

Шунингдек, ҳозирда “Энергия тежамкор уй-жой қурилиши бўйича рақамли ресурс маркази”ни ташкил қилиш ҳамда институт расий сайтига <https://energomarket.uz> платформасини интеграция қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Тадбирда қурилиш ва коммунал соҳадаги устувор ҳисобланган қурилиш ресурслари классификаторини халқаро тажриба асосида ривожлантириш ва ахборот моделлаштириш технологияларини кенг жорий этиш масалалари муҳокама қилинди. Тадбир якунида институтнинг бир қатор вакиллари мазкур лойиҳанинг ташкил этишдаги фаоллиги учун тақдирланишди.

Қашқадарёлик тадбиркорлар билан учрашув

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари Қашқадарё вилоятида бўлиб, қурилиш ва коммунал соҳада тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ҳамда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун янада қулай шароитлар яратиш юзасидан учрашув ташкил этдилар. Унда вилоятда фаолият юритувчи 20 нафарга яқин тадбиркор қатнашди.



Учрашувда тадбиркорлиқни ривожлантиришга тўсик бўляётган муаммоларни бартараф этиш, Президентимиз таъкидлаганидек, давлат ташкилотлари тадбиркорларга тўсик эмас, аксинча, кўмаклашиши лозимлиги айтиб ўтилди. Шунингдек, тадбирда тадбиркорлик субъектларининг бир қатор муаммо ва тақлифлари қабул қилинди. Хусусан, “New cho”lquvar” БСҚ раҳбари Ғ.Хўжаев маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан кўп қаватли уйлари таъмирлашга ажратиладиган маблағларни тўғридан-тўғри бошқарув сервис компанияларига ажратиш лозимлиги ва бу орқали бошқарув сервис компанияларининг молиявий аҳоли яхшииланиши, хусусан, ҳудудда синов тариқасида ақли уй платформасини ишлаб чиқиш кераклиги тўғрисида ўз тақлифларини билдирди.

Тадбиркор Чироқчи туманида қурилиш режалаштириляётган савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини куз-қиш мавсуми келганлиги сабабли эртароқ бошлаши кераклиги, бунинг учун шаҳарсозлик ҳужжатларини белгиланган муддатидан олдин келишиб беришни сўради. Ушбу мурожаатларни ижобий ҳал этиш бўйича тегишли мутасадди раҳбарларга кўрсатмалар берилди. Мазкур жаравён вазирлик масъуллари назоратида бўлиши алоҳида таъкидланди.

Рақамли дастурлар ривожлантириш муҳокама қилинди

Хабар берилганидек, давлат хизматчиларидан иборат делегация Туркия Республикасида стажировка ўтади. Иштирокчилар орасида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бош мутахассиси Камолиддин Холматов ва Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи Гўлбаҳор Мирзаева ҳам бор.



Ўзбекистон ва Туркия вакиллари инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантиришда рақамли дастурлар фаолиятини янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишди. Агентлик, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идораларнинг масъул вакиллари иштирок этган ушбу стажировка инсон ресурсларини бошқариш

ва ривожлантиришга жорий қилинган рақамли дастурлар фаолияти билан яқиндан танишишга йўналтирган. Ўқув семинарлари доирасида иштирокчилар Туркия Республикаси Қишлоқ ва урмон хўжалиги, Савдо, Ғазна ва молия, Шаҳарсозлик ва иқлим ўзгариши вазирликларида бўлишди.

Учрашувларда инсон ресурслари

рини бошқаришга жорий қилинган замонавий усуллар ва рақамли ечимлар, ишга кирган янги ходимларни давлат хизматига мослаштириш масалаларида ўзаро тажриба алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси ҳамда мамлакатнинг тарихий ва диққатга сазовор жойларига таширфлар амалга оширилди.

Мурожаатлар ҳал этилмоқда

Вазирликда жисмоний ва юридик шахсларнинг коммунал соҳага оид мурожаатларига бағишланган қабул бўлиб ўтди. Вазир ўринбосари Озода Жўраева бошчилигидаги масъуллар аҳолининг 10 дан зиёд мурожаатини қабул қилди.



Хусусан, кўп квартирали уйга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотини очиш тартиби, асоссиз қарздорлик, биллинг тизими, бошқарув

ташкilotи фаолиятдан норозилик, ички муҳандислик тармоқларини янгиллашда мулкдорлар томонидан қарсатилляётган қаршиликлар ва бошқа

масалалар тегишли тартибда қайд этилди.

Мазкур мурожаатларнинг аксариятига қабулнинг ўзидаёқ ижобий ечим берилди. Шунингдек, иккита мурожаат юзасидан аҳолига ҳуқуқий тушунча берилиб, бўлиб мурожаат қилибга чиққан ҳолда ўрганиш ва масала моҳиятини таҳлил этишга келишиб олинди. Бундан ташқари, қабулда Тошкент шаҳрининг деярли барча туманларидан келган фуқароларнинг 15 дан зиёд мурожаати қайд этилиб, тегишли тартибда бартараф этиш чоралари қўрилди. Хусусан, муаммоларни ўрганиш, чуқур таҳлил қилган ҳолда ечим топиш юзасидан тегишли мутахассислар бириктирилди. Шунингдек, Наманган вилоятдан онлайн мурожаат қабул қилиниб, жойида бартараф этиш чораси қўрилди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур ишлар аҳолини қийнаб келаятган муаммоларнинг олдини олиш, бахсли вазиятларга оқилона ечим бериш ва тизим самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

МАТОНАТ, ЖАСОРАТ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Шуни таъкидлаш лозимки, “Париж-2024” Паралимпия ўйинларида пара енгил атлетикачимиз, Ўзбекистон делегацияси байроқдори Хусниддин Норбеков ядро улоқтиришда 16,82 метр натижа билан олтин медални қўлга киритиб, Паралимпия ўйинларининг янги рекордини ўрнатди ва фаолиятида уч карра Паралимпия чемпионига айланди. Шерзод Намозов эса пара дзюдо бўйича олтин медални қўлга киритиб, икки карра Паралимпия чемпиони бўлди.

Пара атлетимиз Бобур Омонов ядро улоқтириш бўйича эркаклар ўртасида икки карра Паралимпия чемпиони дея эътироф этилди. Унинг 14,32 метр натижаси эса “Токио-2020” Паралимпия ўйинларидаги ўзининг рекордини ҳам янгилади.

Пара атлетика бўйича Т11 тоифасида аёллар ўртасида узунликка сакраш баҳсларида Асила Мирзаёрова 5,24 метр натижа кўрсатиб, Паралимпия рекорди ва олтин медалига эга чиқди. Шунингдек, Нурхон Қурбонова найза улоқтириш баҳсларида 21,12 метр натижа қайд этиб, жаҳон рекордини янгилади ва олтин медалга сазовор бўлди. Нурхон мазкур Паралимпиадада ядро улоқтиришда бронза медалини ҳам қўлга киритди.

Ҳа, Паралимпия ўйинларида шохсупа-



га кўтарилган ҳамюртларимизнинг ҳар бири алоҳида эътирофга муносиб.

– Паралимпия ўйинларидаги галабамизни мустақиллигимизнинг 33 йиллигига бағишлаймиз, – дейди Асила Мирзаёрова. – Олимпиячиларимизни кутиб олиш маросимини эшитганимизда уларга чин дилдан хавас қилган, биз ҳам нуфузли му-

собақада муносиб иштирок этиб, ғалаба қозонамиз, деб ният қилган эдик. Бугун ана шу ниятимизга етганимиздан, бизни ҳам олимпиячиларимиз каби катта тантана билан кутиб олишгандан бошимиз осмонга етди.

Хукумат раҳбарлари, тегишли давлат ташкилотлари мутасаддилари иштиро-

кида Парижда яқунланган ёзи Паралимпия ўйинларида муваффақиятга эришган пара спортчиларимизга Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари асосида пул мукофотларининг сертификати, Президент совғалари бўлган “Chevrolet Tahoe”, “BYD Song Plus EV Champion”, “BYD Song Plus DM-i Champion” автомобилларининг калити ва хонадон калитлари топширилди.

Ўзбекистон спортчилари XVIII Паралимпия ўйинларида ўз маҳорати, матонати ва шижоатини тўла намоён этди. Батамиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Спортчиларимиз келажақдаги нуфузли мусобақаларда, жумладан, 2028 йили АҚШнинг Лос Анжелес шаҳрида бўладиган XVIII Паралимпия ўйинларида бундан-да салмоқли натижаларга эришиши шубҳасиз.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева, Президент Администрацияси департамент раҳбари Одил Абдурахмонов иштирок этди.

Жавоҳир ТОШХҲАЕВ,
Тўлқин РЎЗИЕВ,
ЎзА мухбирлари.

ЯХШИ ТАДБИРКОР ЖОЙ ТАНЛАМАЙДИ

Наргиза МИРЁҚУБОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Наманган вилоятининг Давлатобод туманидаги “Юксалиш” массивида сўнгги йилларда барпо этилган 44 та кўп қаватли уйларда жами 7 минг 100 метр квадрат ертўла майдонлари вужудга келди.

Ушбу майдонлар бугунги кунда тадбиркорлар ва аҳолига фойдаланиш учун тақдир этилмоқда. Бугунги кунгача бу ернинг 5 минг квадрат қисми аллақачон тадбиркорлик учун йўналтирилди. 20 дан ортиқ сервис йўналишига ихтисослашган 38 та тадбиркорлик нукталари иш бошлади. Бунинг натижасида 300 га яқин иш ўрни яратилиб, шу ерлик аҳоли иш билан таъминланди. Эътиборлиси, туманда сервис соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда бирламчи йўналиш сифатда белгилаб олинган.

– Юртимизда тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратиб берилди, – деди Давлатобод тумани ҳокимлиги бўлим бошлиғи Тоҳиржон Жалилов. – Президентимизнинг Наманган вилоятига таширфидан сўнг маҳаллаларнинг драйвер йўналиши бўлган тадбиркорликка кенг шароитлар яратилди. Туманимиз бўйича жами 450 тадан ортиқ кўп қаватли уйлар бўлса, хатлов натижасида 70 та кўп қаватли уйнинг ертўла қисмида тадбиркорлик қилиш имконияти борлиги аниқланди. Тўқувчи маҳалласида кўп қаватли уйлар остида кўзиқорин етиштириш бўйича янги йўналишлар амалга оширилляпти. Буларнинг натижасида 16 мингга яқин янги иш ўрни пайдо бўлди. Бугунги кунда ишсиз фуқароларимиз хизмат кўрсатиш йўналишида бандлиги таъминланмоқда. Кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмларидан фойдаланишга, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун тақдирлар келиб тушмоқда.

Айтиш керакки, кўп қаватли уйларнинг ертўла майдонлари тадбиркорларга имтиёзли ва қўлай шартларда берилди. Масалан, тадбиркорлик субъектлари дастлабки уч ой бепул иш юритишлари мумкин. Шунингдек, имтиёзли кредитлар тақдир этилади. Агар ушбу фаолиятга ижтимоий дафтларларда рўйхатларда турувчи фуқароларимиз қизиқиш билдиргани бўлса, уларга субсидия маблағлари ажратилиб, жиҳозлар билан таъминланишига ҳам қўмақ кўрсатилади. Шу маҳалла фуқароси Соҳиба Абдуллаева аввал тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаган. Аёллар саргарошлиғи йўналишида бировнинг қўлида ишлаб келган. Янги имкониятлар сабаб уйнинг ертўла қисмида аёлларга комплекс хизмат кўрсатиш ва ўқув марказини ишга туширди. 10 дан ортиқ одамни ишли қилди.



Бу каби аҳоли кўп ва зич жойлашган кичик шаҳарчаларда сервис хизматининг юқори бўлиши ҳар жиҳатдан муҳим. Хусусан, бу хориж тажрибасидан ҳам яхши маълум. “Юксалиш” массиви мисолида айни мақсадлар учун дастлабки ва муҳим қадамлар қўйилмоқда. Асосийси, бу имкониятлар аёл-қизлар тадбиркорлиги бандлигини оширишда муҳим ёндошув бўлиб хизмат қилмоқда. Тадбиркорлик истагида кўплаб хотин-қизларнинг юзага чиқишига эришилмоқда. Аёллар стилисти Дилдора Абдуллаева ҳам ушбу манзилда орзулари



рўёбга чиқаётган аёллардан бири. Бугун у катта саргарошлик маркази эгасига айланди.

– Шу вақтгача ижарачи сифатида бошқа жойларда ишлаб келдим, – деди у. – Ёлғиз она бўлганлигим сабабли “Аёллар дафтари” рўйхатида турардим. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун жой бериб, мана шундай шароитларни яратиб беришди. Бугунги кунда ўзимнинг гўзаллик салонини ва бу ерга келувчи бир қанча миқозларим бор. Ишларим ривож топаётганидан жуда хурсандман.

Массивда янги очилаётган марказлар аҳоли учун муҳим бўлган турли йўна-

фаолияти йўлга қўйилган, у шу ерда иш билан таъминланди.

“Юксалиш” массиви кейинги 5 йил ичида 30 минг нафар аҳоли яшайдиган кичик шаҳарчага айланди. Бу манзилда болалар учун қўлай шароитлар яратилиши ҳам муҳим масалалардан. Айниқса, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, IT йўналиши, хорижий тилларга ўқитишга қизиқтириш ва бу борада болалар учун ихтисослашган ўқув марказлари фаолиятини йўлга қўйишга ҳам алоҳида ёндошилмоқда. Бу каби ўқув марказларининг ишга тушушидан ҳам тадбиркор, ҳам аҳоли вакиллари фойда кўрмоқда.

– Кўп қаватли биноларнинг ертўла қисмларидан фойдаланиш биз учун катта имкониятлар эшигини очди, – деди ўқув маркази раҳбари Нигора Паттаева. – Масалан, оддий бир тадбиркор кўчада бирон бинони олиб ижара сифатида фойдаланадиган бўлса, ижара тўловининг баландини учун кўплар ўз фаолиятини тўхтатиб қўяётганди. Кўп қаватли биноларнинг ертўла қисмидан фойдаланиш жуда қўлай. Ўқув марказини очиш нияти анчадан бери бор эди. Айнан ўзим ашайдиган уйнинг ертўласида ўқув марказини очишим менга ҳам анча қўлайликларни яратди. Биринчидан, ўзим яшайдиган уйнинг ён атрофи, иккинчидан, қўшниларим, уларнинг фарзандларига хизматлар кўрсатиб, илмий бўлишига ҳисса қўшяпман. Марказни ташкил қилганимизга эндигина 1 ой бўлишига қарамастан қизиққан ёшлар дарсларимизда фол иштирок этишмоқда. Ҳозирги кунда инглиз тили фанида умумий 25 нафар, рус тили курсларида 30 нафар, биологияда 12 нафар ва математикада 15 нафар ўқувчиларимиз билим олишляпти.

Кўнига 300-400 минг сўмгача даромад келтираётган сув фийтгрлаш мажмуаси ҳам айнан кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмидан жой олган. Аҳоли ушбу қурилмадан 5 минг сўмга 10 босқичда тозаланган суви харид қилишлари мумкин.

– Тадбиркорларга кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмлари ажратиб берилишини эшитиб, биз ҳам маҳаллий ҳокимиятга мурожаат қилдик, – деди Садоқат Тожибоева. – 60 квадрат жойни олиб, бу ерда бир тонналик сув сифгинини ўрнатдик. Ушбу ускунани ўрнатганимиздан қўшниларимиз жуда ҳам мамнун. Фаолиятимиз орқали бир ойда 10-12 миллион сўм даромад топяпмиз.

Президентимиз ташаббуси билан “Юксалиш” массивида айди борилган улкан шаҳарсозлик ишлари доирасида шу каби янги тармоқлар, аҳолини тадла “Аёллар дафтари”да турган деярли 80 фоиз хотин-қизларимизнинг бандлиги таъминланди. Иш излаб юрган аёлларимиздан Маликаҳон Ёкубова “Аёллар дафтари”нинг биринчи, яъни ишчилар тоифасида турар эди. Мана шу тадбиркорлик

Кўп қаватли уйларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик қай даражада?

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ҳозирги кунда барча соҳада бўлгани каби уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимида ҳам салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Йилдан йилга мавжуд муаммоларга ечим берилиб, олдинда турган вазифалар тизимли ҳал этилмоқда. Соҳадаги сўнгги ўзгаришлар ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан Ўзбекистон ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутасаддилари ва журналистлар иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.



Тадбирда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева иштирок этиб, кўп қаватли уй-жойларни сақлаш борасида амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди. Тадбир давомида журналистлар ҳам ўзини қизиқтирган бир қанча саволларга жавоб олишди. Жумладан, вазирлик томонидан минимал тарифлар белгиланиши, коммунал тўловлар оширилиши мулкдорлар учун қандай манфаат бериши, қандай афзалликлар тақдим қилиши ҳақидаги саволлар Озода Жўраева шундай жавоб берди:

– Вазирлик томонидан минимал тарифлар белгиланди. Ҳар бир кўп қаватли уйи маълум стандартлар асосида сақлаш, бошқариш талаб этилади. Бу эса яхшигина иқтисодий харажатлар дегани. Барча ҳолатларни таҳлил қилган ҳолда минимал тарифлар белгиланди. Бу эса ўз навбатида кўп қаватли уйлардаги жорий таъмирлаш, хизматлардаги қўлайликлар кўринишида мулкдорлар ҳаётида акс эта бошлайди. Шу сабабли, аҳолига тушунтириш, тарғибот ишлари тўғри олиб борилиши муҳим. Журналистлар янги кўп қаватли уйларда қурув ёрилиши, сув тошиши, тармоқдаги узил-пишлар кузатилаётгани аҳолида но-розилик келтириб чиқараётганига ҳам диққат қаратишди. Вазир ўринбосари Бу саволга жавобан, аҳолида истеъмол маданияти етишмаётгани, кўп қаватли уй-жойлар ҳам хусусий мулк эканини, аҳолидан ижтимоий ҳурмат асосида яшаш талаб этилишини таъкидлади.

Бундан ташқари, матбуот анжуманида бугунги кунда лифтлардан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқариш, хавфсизлик масалалари ҳам жиддий муҳокама этилди. Шу билан бирга, сносга тушган уйларга компенсация тўланиши, аҳолини кўчириш жараёнидаги ноқулай ҳолатлар ҳам санаб ўтилди. Бу ҳақда вазирлик бошқарма бошлиғи Обиджон Мўминов ўз фикрлари билан шундай ўртоқлашди:

– Бугунги кунда лифтларнинг нархи ўртача 300 миллиондан 500 миллионгача. Замонавий лифтларда АДР тизими мавжуд бўлиб, чироқ ўчганда захира қуввати билан ишлай олади. Эндиликда лифтлар диспетчерлик тизимига эга бўлсагина эксплуатацияга рухсат этиладиган бўлди. Олдин бундай талаб мавжуд бўлмаган. Бу эса хавфсизлик даражаси ошишига хизмат қилади. Бугунги кунда лифтларни янгилаш учун давлат бюджетидан 187 млрд ажратилган бўлиб, 528 та лифтни қайта ўрна-тиш ва янгилаш қўзда тутилган. Республикада 1,4 млндан ортиқ хонадондан иборат 42 072 та кўп квартирали уй мавжуд. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, жорий йилда 5 409 та кўп квартирали уйи куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида таъмирлаш режалаштирилган. Бунинг учун

бошқарув ташкилотларининг 149 млрд сўм маблағлари жалб қилинди. Мазкур ишларни ташкил этиш учун бошқарув ташкилотларининг имконияти етарли. Уларда 17 мингдан ортиқ зарур техника ва ускуна, 12 мингга яқин ишчи-ҳодим мавжуд. Жорий йилнинг бугунги кунига қадар бошқарув органлари томонидан кўп квартирали уйларга 692 млрд сўмлик хизмат кўрсатилган ва 512 млрд сўм мажбурӣ бадал ундирилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан 4 978 та уй таъмирланди. Режалаштирилган ишлардан ташқари, 311 та уйнинг том қисми, 1 328 та кириш йўлаги, 390 та ертўла қисмидаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари, 174 та уйларнинг фасад қисми таъмирланиб, 410 та кодли қулфли темир эшик ўрнатилди.

Бошқарув органлари томонидан ушбу ишларни ўз вақтида бажариш учун ундирилаётган бадал пуллари биринчи навбатда уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун сарфланиши назоратга олинган. Жорий йилнинг 1 октябрга қадар яна 41 млрд сўм ҳажмида таъмирлаш ишлари бажарилади. Бундан ташқари, куз-қиш мавсумини бета-лафот ўтказиш мақсадида кўп квартирали уйларнинг электр тармоғи хўжалик объектларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилган. Худудий ҳокимликлар “Худудий электр тармоқлари” корхоналари билан ҳамкорликда республикадаги 39 334 та уйнинг 374 мингдан ортиқ электр хўжалик объектларини хатловдан ўтказиб, “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоғфаларга ажратилди ҳамда “қизил” тоғфадаги 100 мингдан ортиқ шик мукаммал таъмирланди. Аҳолини иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида Давлат дастурлари доирасида замонавий қозонхоналар қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, “Янги Ўзбекистон” масивларини марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида 20 та объектда 12 та қозон ўрнатиш ва 64 км иссиқлик тармоқлари қурилиши қўзда тутилган. Мавжуд иссиқлик таъминоти объектлари ва ускуналарини куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида 20 та қозон ва 69 км иссиқлик тармоқлари мукаммал, 564 та қозонлар ва 364 км иссиқлик тармоқларида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Республикадаги 4 427 та кўп квартирали уйда 11 428 та лифт ускунаси мавжуд. Лифтларнинг 11 070 таси одам ташишга, 358 таси юк ташишга мўлжалланган.

Жорий йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 июндаги 376-сонли қарорига асосан, 528 та лифт ускунасини 187 млрд сўм маблағ эвазига янгилаш режалаштирилиб, 121 млрд сўм маблағлар ҳисобидан 290 та лифт янгиланди. Иил якунига қадар тасдиқланган режа-график асосида режалаштирилган ишлар тўлиқ якунига етиши белгиланган.

Бунёдкорлик билан тараққиёт сари

Шухрат НОРМУРДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Юртимизда кейинги йилларда олиб борилаётган инсон қадрни таъминлашга асосланган ислохотлар ҳар бир ватандошимизнинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда ўз истезод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўйга чиқаришининг мустақам замини бўлмоқда. Бу борада юртимиздаги барча вилоятлар каби Қашқадарёда ҳам янги тараққиёт саҳифалари очилди, ривожланиш ва ютуқларни олиб келди. Иқтисодий тараққиёт, бунёдкорлик эвазига, аҳолининг турмуш даражаси янада юксалди.

Айниқса, кейинги, йилларда воҳада мамлакат тараққиёти ва истиқболни кўзлаб рўйга чиқарилаётган ислохотлар, иқтисодиётнинг реал тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасида сезиларли ютуқларга эришилмоқда.

Сўнгги 7 йилда вилоят иқтисодиёти 3 каррага, жон бошига тўғри келадиган ҳудудий маҳсулот ҳажми 2,5 каррага ўсди. Маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар учун қўлай инвестиция муҳитининг яратилиши натижасида тадбиркорлик субъектлари ва саноат корхоналари сони 3 баравар кўпайди.



Қашқадарёда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорт географияси 55 та давлатга кенгайди. Биргина жорий йилнинг шу давригача 400 млн долларлик хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган корхоналар сони 1 минг 114 тага кўпайди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда вилоят маркази ва туманлари ҳам ўзгача қиёфа касб этиб, янги

қурилаётган бино ва иншоотлар, кўп қаватли уйлар, замонавий массивлар ҳисобига кун сайин кўрамлашиб бормоқда. Зеро, бу уйлارга кўчиб кираётган юртдошларимиз тинчлик-осойишталикни, инсон қадрни юксалтаётганини, фаровон ҳаёт шукҳини юракдан ҳис этмоқда.

Шу мақсадда вилоятда охири етти йилда 566 та кўп қаватли уй қурилиб, 19 минг 947 та хонадон

фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда 144 та ижтимоий соҳа объектида қурилиш-таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб боришмоқда. Шунингдек, аҳолига зарур шарт-шароитлар яратиш, муҳандислик-коммуникациялари тизимларини яхшилаш бўйича жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 295 километр электр узатиш тармоқлари ва 53 та трансформатор пункти янгидан қурилди, 42

километр газ қувурлари таъмирланди. Аҳолининг ичимлик сувиға бўлган талабини сифатли қондириш мақсадида тоза ичимлик суви таъминоти даражаси 2017 йилдаги 37 фоиздан 62 фоизга етказилди.

Бугунги ислохотлар изчиллиги аввало, халқимизнинг турмуш фаровонлигига хизмат қилаётганлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этаётди. Қишлоқ ва маҳаллаларимизнинг кундан-кунга чирой очиб, кўркам манзилга айланиб бораётгани кўзни қувонтиради. Айниқса, чекка ҳудудларда ҳам улкан бунёдкорлик, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилаётгани эътирофга лойиқ. Вилоятда маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни ҳал этиш орқали аҳолига муносиб шароитларни яратиш мақсадида жами 114 миллиард 700 миллион сўм маблағ ажратилди. "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг 2024 йил 1-мавсумида 186 та объектида қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун ажратилган маблағ 230,8 миллиард сўмдан ошди.

Шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари қурилиши борасида сўнгги 7 йилда 500 дан ортиқ янги мактаб қурилиб, реконструкция қилинди. Уларда 130 мингга яқин ўқувчи ўрни яратилди. Олий таълим муассасалари 3 тадан 12 тага кўпайди, талабалар сони 110 минг нафардан ошди. Яратилган шароитларга жавобан вилоят ёшлари ҳам илифан, спорт, маданият соҳаларида улкан ютуқларга эришмоқда. Хусусан, бу йил мактаб ўқувчилари халқаро олимпиадаларда 16 та медални қўлга киритишди.

Албатта, юқоридаги каби ўзгариш ва бунёдкорлик ишларининг бош асоси, мамлакатимизда инсон манфаати олий қадрият сифатида қаратилаётгани ва бу каби этиборлар инсон қадрни барча нарсадан устунлигини кўрсатади. Зеро, юртининг ободлиги ва халқнинг фаровонлиги энг аввало амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида намоён бўлиши бор гап.

Қуйида Қашқадарё вилоятида фойдаланишга топширилган қатор объектлар билан танишасиз.

Китобда 30 га яқин ижтимоий соҳа объекти фойдаланишга топширилди

Яқинда Китоб туманида фойдаланишга топширилган 30 га яқин ижтимоий соҳа объекти туман аҳлига мустақиллигимизнинг 33 йиллигига муносиб совға бўлди.

Хусусан, тумандаги 3 та – "Қайнар", "Навбахор" ва "Жилисув" МФЙда маҳалла тиббиёт пункти ҳамда Нурафшон маҳалласида 1 та 50 ўринли оилавий мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

Тантанали очилиш тадбирларида туман ҳокими Рустам Ғафуров, нурунийлар, маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Қаршида турар жой мажмуаси қад ростлади

Қарши шаҳрининг Чўлқувар маҳалласида 432 хонадондан иборат 5 та кўп қаватли уйни ўз ичига олган, лойиҳа қиймати 110 млрд сўмлик "Яшил замин" турар жой мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Янги турар жой мажмуасида аҳолига қўлайлик яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Мажмуа ҳудудида 4 та фаввора, битта декоратив шаршара, икки қаватли болалар ўйингоҳи (унинг пастки қисми автотураргоҳ) ва турли маросимлар учун махсус зал барпо этилган. Энг қувонарлиси, тадбиркор томонидан ушбу мажмуадаги 6 та хонадон эҳтиёжманд оилаларга беғараз тақдим этилди ва очилиш маросимида уларга янги уйларнинг қалитлари топширилди. Шунингдек, эҳтиёжманд оилаларнинг 11 нафар фарзандига суннат тўйи ҳам ўтказиб берилди.



Мактаб биноси янгиланди

Қарши шаҳридаги Чўлқувар маҳалласида жойлашган 11-умумтаълим мактаби янги ўқув биносига эга бўлди. Ушбу 900 ўринли замонавий бино тадбиркор томонидан ҳомийлик асосида қурилган бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати 11 млрд сўмни ташкил этади.



Мактабнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Муротжон Азимов, шунингдек, жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Тадбир давомида ушбу янги мактаб биносининг аҳамияти ва таълим жараёнида яратадиган янги имкониятлари ҳақида сўз юритилди.

Косон туманидаги зиё масканлари замонавий қиёфада

Косон туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг 700 ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур янги бино 14 млрд сўм маблағ эвазига қурилиб, закон талабларига мос равишда жиҳозланган.



Очилиш маросимида Қашқадарё вилояти ҳокими Муротжон Азимов бошчилигида раҳбарлар ва вилоятимиз фахрий нурунийлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, яратилган шароитларни кўздан кечиришди.

Шунингдек, туманининг Истиқлол маҳалласида жойлашган 19-оилавий поликлиниканинг эски биноси 2 млрд сўм эвазига қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Шифохонани жиҳозлаш учун эса 400 млн сўмлик замонавий ускуналар келтирилди. Ҳозирда бу ерда 11 нафар шифокор, 78 нафар ўрта тиббиёт ходими аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Ўздорда хонадонлар ўз эгаларига топширилди

Ўздор туманида "Ўзбекнефтегаз" АЖ ҳомийлигида ва тадбиркор томонидан янгидан бунёд этилган 5 қаватдан иборат 184 хонадонга мўлжалланган 8 та турар жой фойдаланишга топширилди.



"Ўзбекнефтегаз" АЖ тизимида меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларига уй-жойларни тантанали топшириш маросимида вилоят ҳокими Муротжон Азимов, вилоят сектор раҳбарлари, туман ҳокими, "Шўртан газ кимё мажмуаси", "Uzbekistan GTL" заводлари раҳбарлари, кекса нурунийлар ва хонадон эгаларининг ақинлари иштирок этишди. Вилоят ҳокими янги уйлар қалитини ўз эгаларига топширар экан, воҳадаги ўзгаришлар Президентимиз ташаббуси билан амалга ошаётганини алоҳида таъкидлади ва хонадон эгаларига ўзининг самимий тилакларини билдирди.

Шунингдек, тадбир давомида ушбу хонадонларни бунёд этишда ўз ҳиссасини қўшган мутасадди ташкилот раҳбарлари ва фаол қувувчилар вилоят ҳокимининг ташақкурномаси билан тақдирланди.

Муборакда янги корхона фаолият бошлади

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасида истиқболли ислохотлар амалга оширилмоқда. Тизимда олиб борилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар бозор муносабатларини жорий қилиш, айниқса, пахта хомашёсини қайта ишлаш ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларининг интеграциялашувини кенгайтириш, шунингдек, пахта-тўқимачилик ва кластерлар фаолиятини янада яхшилашда муҳим қадам бўлди.



Муборак туманидаги "Шодлик" МЧЖнинг лойиҳа қиймати 147 млрд сўм бўлган ип-йигирув фабрикаси фойдаланишга топширилди. Фабрика йилига 6 ярим минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, маҳсулотнинг 90 фоизи экспортга йўналтирилади. Фабрикада 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилган.

Фабриканинг очилиш маросимида вилоят ҳокими ҳам иштирок этиб, мазкур корхонанинг ишга туширилиши нафақат Муборак тумани, балки вилоятнинг иқтисодий жиҳатдан янада ривожланишида катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Шу ернинг ўзида вилоят ҳокими туман сектор раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режалари билан ҳам танишди.



Кўкдалада 3 та таълим маскани

Кўкдала туманининг Олтин дала ва Айритом маҳаллаларидаги 4-, 49- ҳамда 50-мактаблар анча йиллар аввал пахса девордан қурилган бўлиб, 2021 йилда учала мактабга ҳам янги 80 ўринли бино қурилиб, расман мактаб мақоми берилган эди.

Бу мактаблар шу кунга қадар 2,0 коэффициентдан юқори ҳолатда фаолият юритиб келган. Кўкдала тумани янгидан ташкил топганидан сўнг, эски мактаб бинолари қайта таъмирланиши билан бирга, кўпгина мактабларга янги ўқув бинолари ҳам қуриб берилди.

Яқинда фойдаланишга топширилган учта мактаб ҳам шулар қаторидан жой олди. Хусусан, Олтин дала маҳалласидаги 4-мактабга қуриб берилган 240 ўринли янги бино туфайли эндиликда бу ерда 320 нафар ўқувчи таълим олиши мумкин. Бу орқали мактаб 1,3 коэффициентига эга бўлди. Айритом маҳалласидаги 49-мактабда қурилган 180 ўринли қўшимча бино сабаб эса, энди мактаб 0,9 коэффициентни ташкил этади. Хусусан, Айритом маҳалласидаги 50-мактаб учун қуриб фойдаланишга топширилган 180 ўринли қўшимча бино сабаб ушбу зиё маскани 0,8 коэффициентни ташкил этиб, унда 260 нафар ўқувчи таълим олиш имконига эга бўлди.

Келажак мактаб остонасидан бошланади

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хоразм вилояти Мактаб ва мактабгача таълим бошқармаси берган маълумотларга қараганда, ҳудудда 557 та умумтаълим мактаби, шундан 13 таси ихтисослаштирилган мактаб, 336 таси мактабгача таълим ташкилоти, 14 та “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолият юритиб келмоқда.



Жорий йилда Инвестиция дастури доирасида 203,4 миллиард сўм маблағ эвазига вилоятдаги 27 та мактабда, шундан 4 тасида янги қурилиш, 16 тасида реконструкция, 7 тасида мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу қўшимча 7328 нафар ўқувчи ўрни деганидир. Булардан ташқари, 4 та янги спорт зали ҳам барпо этилди. Натижада вилоятдаги 2 коэффицентдан юқори бўлган 15 та мактаб коэффиценти 1,2 га туширилди. Шунингдек, 37,3 миллиард сўм маблағ ҳисобига 8 та мактабгача таълим ташкилотида реконструкция ишлари олиб борилди.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида 56 та таълим муассасаси ғойиб деб топилиб, 66,5 миллиард сўм маблағ ҳисобига 37 тасида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. 2024–2025 ўқув йилида вилоятнинг қатор туман ва шаҳарларида янгидан мактаблар, қўшимча ўқув бинолари, мактабгача таълим ташкилотлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Айричлари капитал таъмирланиб, ўқувчилар ва болажонлар ихтиёрига топширилди.

2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-404-сонли қарорига асосан, вилоятда Инвестиция дастури доирасида 2 та – Урганч туманидаги “Ал-Хоразмий” массиви ҳудудида 330 ўқувчи ўринли ва Хива шаҳридаги “Ангарик” МФЙ ҳудудида 330 ўринли янги мактаб бинолари қурилади.

Шунингдек, Қўшқўлپر туманидаги Ёвғир маҳалласида 528 ўқувчи ўринли янги мактаб биноси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 март куни Хоразм вилоятига ташири ақунлари бўйича берилган 14-сонли топшириқ баёнининг муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича 2-илова-сининг 26-бандига асосан, Тупроққалъа туманининг “Тупроққалъа” массиви Нукус маҳалласида 350 ўқувчи ўринга мўлжалланган янги мактаб бинолари қурилиб, янги ўқув йилида фойдаланишга топширилди.

Тупроққалъа тумани вилоятимизнинг бош дарвозаси ҳисобланиши билан бирга, энг кенжа тумани ҳамдир. Туманининг чекка Нукус маҳалласи ҳудудида “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ҳомили-гида янги 350 ўринли умумтаълим мактаби қурилиб, билимлар кунда ўқувчи-ёшларга туҳфа қилинди.

Қурилиш ишларини “Ирдимзон қурилиш” хусусий корхонаси қисқа даврда амалга оширишди.

Ҳазорасп туманидаги Ишчилар маҳалласида “Uppermost FINIS” хусусий мактаби иш бошлади. Ушбу хусусий мактаб 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, Олимбой Аллаберганов томонидан ташкил этилди. Мактаб асосан инглиз тили ва математика фанларига ихтисослашган бўлиб, ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Шу билан бирга, Ҳазорасп туманида яна бир “NIX” хусусий мактаби ишга туширилди. Бу мактаб 250 ўринга мўлжалланган бўлиб, асосан инглиз, математика ва она тили фанларига ихтисослашган бўлиб, ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча имконият мавжуд. Ҳазорасп туманидаги Аталиқ маҳалласида фаолият юритаётган 1-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти 4 миллиард 272 миллион сўм маблағ ҳисобига қайта реконструкция қилинди. Бунёдкорлик ишлари “Ҳазорасп строй сервис” МЧЖ томони-дан амалга оширилди. Натижада ушбу мактабгача таълим ташкилоти замонавий жиҳозланиб, болажон-лар учун гўзал масканга айлантирилди.

Бундан ташқари, Урганч туманидаги 28-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур боғча туманининг Ҳамид Олимжон номи маҳалланинг Урганч-арна кўчасида жойлашган. МТТга 60 нафар тарбияланувчи қамраб олинган бўлиб, 15 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Шунингдек, Гулран туманида Ин-вестиция дастури асосида Мададкор маҳалласида жойлашган 38-сонли мактабгача таълим ташкилоти ҳам 1 млрд 227 млн сўм маблағ эвазига қайта рекон-струкция қилинди. Урганч туманидаги Қиёт маҳал-ласида жойлашган 33-сонли умумтаълим мактаб биносига қўшимча 480 ўринли блок биноси пудрат-чи “Хоразм Трес” МЧЖ томонидан янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Келажак мактаб остонасидан бошланади. Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларидаги мактаб-лар бир пайтлари аҳолининг ўсишини инobatга ол-масдан қурилганиги сабабли, бугунги кун талаблар-ига жавоб бермай қолган эди. Шу бoис, эндиликда бу мактабларга қўшимча бинолар қурилиб кенгай-тирилмоқда. Шундай экан, вилоятда таълим соҳа-сида қилинадиган ишлар ҳали талайгина. Мактаб ва боғчалар барпо этиш, таъмирталабларини капитал ва жорий таъмирлаш, қўшимча бинолар қуриш каби ишлар ҳали давом этади.

Сўлим Сазағондаги боғча

Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қўхна Самарқанддан унчалик узоқ бўлмаган сўлим Сазағон қишлоғининг ўтмиши ҳақида қўплаб ҳикоялар мавжуд. Бу гўшанинг азалдан тилга тушиши сабаби унинг тарихи билан боғлиқ.

Айтишларича, тоғлар билан ўралган қишлоқ табиати не бир замонлар ҳоқонлар эътиборидан четда қолмаган, уларни бу юртга мафтун этмаган. Пурвиқор тоғлари, атрофдаги боғлари, шарқироқ сойлари, бутун йил мобайнида чор атрофга оби ҳаёт улашиб турган булоқларининг гўзаллиги, файзу таровати туфайли одамларни ўзига чорлаган. Йил-лар ўтиши мобайнида Сазағон сойларининг, юксак чўққиларининг салобати маҳаллий аҳоли қалбида-ги қизиқшни ошириб, уларни ўзига мафтун этиб бораверди.

Қўплаб тарихчилар, археологлар, ёзувчилар, журналистлар ва яна ниҳоғлар қишлоқ ўтмишига қаратилган қатор соҳалар эгалари Сазағон қи-шлоғидан эътиборларини бир зум уза олишмади. Ўтган асрнинг охириларида тарих фанлари доктори Мавлон Жўрақулов раҳбарлигида олиб борил-ган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси ҳақида матбуотда эълон қилинган “Сазағон сойларининг сирлари” номли мақоланинг эълон қилиниши ана шундай амалий ҳаракатларнинг бир қисми эди. Кўпчилик сазагонликлар эътиборига тушган мазкур мақола туман газетасида эълон қилинганди. Газета-нинг саҳифаларида Сазағон қишлоғи, эътибортор-тар гўшалари, меҳрибон ва меҳнаткаш одамлари, Сазағонда бунёд этилган икки қаватли маъмурий марказ биноси ҳақида битилган мақолалар кўзга ташланади.

Кейинги йилларда қаровсизликдан ҳароба ҳо-лига тушиб қолган ана шу бино ақинда таъмирла-ниб, унга қайтадан сайқал берилди. “Самарқанд – Қарши” автомобиль йўли бўйидаги бу иншоот яна одамлар эътиборига тушди. Бинони аввалдан бил-ганларнинг кўпчилиги ундан нима мақсадда фойда-ланилаётгани билан қизиқшди. Шу ҳудуддан ўтаёт-ган чоғимиз бино бизнинг ҳам диққатимизни тортди. Тўғриси, бир пайтлар бошқалар қатори, биз, ижод-корлар учун ҳам анчагина кадрдон бир манзилга ай-ланган мазкур бинога эътиборсиз ўтиб кетолмадик. Йўлимизни шу тарафга бурдик. Бинога яқин жойда-ги бир от ва бир туяга кўзимиз тушди. Дастлаб улар маҳаллий тадбиркор ёки фермерга тегишли бўлса керак, деган ўйга бордик. Лекин шу онда Самарқанд шаҳридаги бир мактабгача таълим ташкилотида ташкил этилган қушлар ва ҳайвонлардан иборат

ажиб олам кўз ўнгимиздан ўтди. Қарангки, собиқ ҳў-жалик идораси ўрнида ҳам мактабгача таълим таш-килоти барпо этилган экан.

– Сазағон биз учун бегона жой эмас, – деди Самарқанд шаҳрида яшовчи тадбиркор Акбарали Маждов. – Бу қишлоқ одамлари билан аввалдан борди-келдимиз бор, бозоримиз бир. Сазағон-ликлар Самарқанд бозорларини олма, картошка, сабзи, пиёз каби қўплаб сабзавот ва мевалар билан сероб этишади. Улар келтирадиган қўй ва қорамол гўштининг таъми ўзгача. Негаки, чорва моллари боқиладиган тоғу тошларда, дашт жойларида фой-дали гиёҳлар мўл бўлади. Шу туфайли, Сазағон-нинг халқ табобатини ривожлантиришдаги ўрни ҳам катта.

Самарқандлик тадбиркорлар мазкур қишлоқда иш юритишга бежизга аҳд қилишмаган. Улар шу ердаги бўш туриб қолган, қолаверса, унинг авария ҳолатига келганини ҳисобга олган ҳолда уни обод этишни ният қилишибди. Чунки Сазағондек сўлим қишлоқда мактаб, касалхона, савдо дўконлари, бозор, ўқувчилар оромгоҳи, тўйхона мавжуд. Улар қаторига биргина замонавий боғча ҳам киритилса, ҳаммаси рисоладагидай бўлади. Шу ниятда “Dleon rung Tht lion ring” масъулияти чекланган жамия-ти бунёдкорлари мактабгача таълим ташкилотини барпо этиш ҳаракатига тушишади. Шаҳрам Носиров бошлиқ қурувчилар бинони тўлиқ қайта таъмир-лашди. Бўлажак мактабгача таълим ташкилотида кичкинтойлар учун ҳамма шароит яратилди. Энди эса банк кредити ҳисобига бино атрофини ободон-лаштириш режалаштириляпти.

– Биз боғча орқали даромад олишни эмас, халқ-нинг фарзандларини тарбиялаш, уларни мактабга тайёрлашни ўйлаямиз, – деди мактабгача таълим ташкилоти раҳбари Шаҳло Носирова. – Шу сабаб, ҳамма имкониятларни яратишга ҳаракат қилямиз. Бу масалада муассис Гули Сайфуллаеванинг ёрда-ми катта бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, шаҳардан четдаги бир қишлоқда эътибор туфайли мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилгани, кўпчилик маҳаллий раҳбарлар, ишбилармонлар диққатидан анча узоқ бўлган ҳароба ҳолдаги қаровсиз иншоот яна қишлоқ кўркига-кўрк бағишлаётгани мақтовга сазовор.



ТУФИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2024 йил сентябрь ойининг 10-16 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ички аудит бўлими етакчи мутахассиси **Шухрат Мирзаев**, Архивариус **Гулчеҳраҳон Холдарова**, Қурилиш соҳасида тендер, рей-тинг ва бюртмачи тизимини методологик таъминлаш бўлими бош мутахассиси **Элмурод Ниязатов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хў-жалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ижро аппарати бош-лиги **Осимхон Алиходжаев**, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ бош мутахассиси **Магрупп Муслимов**, ОАВ бў-йича кичик мутахассис **Азизахон Мавлян-Кариева**,

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” Davlat xaridlarini tashkil qiliш va amalga oshirish бўлими бош мутахассиси **Ислом Жуманиёзов**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институ-ти Иқтисодий ислохотлар бўлими бошлиғи **Дурдона Раҳимова**, етакчи мутахассис **Мадина Кенжаева**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси фарроши **Нигора Абдурасулова**, муҳандис **Темур Юлдашев**, “Ғарбий” филиали лойиҳа бош архитектори **Шерзод Базаров**,

“Ўзғирсаноатлоийха” АЖ ФЗО бош бухгалтери **Нигора Эргашева**, ТСП муҳандиси **Вячеслав Ким**, ОИСК етакчи муҳандиси **Сайджон Казиев**, МТ етакчи муҳандиси **Максим Скворцов**, ОИСК етакчи мута-хассиси **Андрей Бондаренко**, ПМ муҳандиси **Эркин Тулешев**,

“O‘zshaharsozlik LITI” бош лойиҳа институти ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси муҳан-диси **Хушвақт Ушнazarов**, 4-устахонаси етакчи архитектори **Шерзод Шоҳсаидов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хў-жалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи инспек-тори **Конекбай Уббиев**, етакчи мутахассис **Баҳрам Жаксымуратов**,

Бухоро шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош-лиғи ўринбосари – бош архитектор **Мироншоҳ Аёсов**, қоровул **Туроп Тиллоев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий на-зорат қилиш инспекцияси лаборанти **Сухроб Саидов**,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бюртмачилар билан ишлаш бў-лими етакчи мутахассиси **Алишер Ғаниев**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳа-сида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Жасур Нурбоев**, етакчи мутахассис **Руслан Қулдошев**,

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Сирдарё вилояти филиали етакчи мутахассиси **Ленура Ждаббарова**,

Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани қурилиш ва уй-жой комму-нал хўжалиги бўлими бошлиғи **Илёржон Эргашев**,

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси хўжалик мудир **Тожи Ваҳобов**, етакчи мутахассис **Дилмурод Аҳмедов**,

Фарғона вилояти, Бешариқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва ҳудудларни режалаштириш бўйича бош мутахассис **Шерзод Қосимов**, Езёвон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Шавкат Тўрақулов**, Дангара тумани қурилиш ва уй-

жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Абдоржон Турғунов**, Олтиариқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва ҳудудларни режа-лаштириш бўйича бош мутахассис **Исломбек Нозимов**,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бош-қармаси Туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бў-лимлари фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбаси бошлиғи **Бахтиёр Аширов**, Урганч шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Фахриддин Худайбергенов**,

“Иссиқлик манбаи” ДУК Жиззах вилояти филиали Режа-техник бў-лими бошлиғи **Баҳодир Қизилов**, Сурхондарё вилояти филиали бош-лиғи **Юлдош Машиев**,

Андижон вилояти Улуғнор туманидаги “Улуғнор бошқарув сервис” МЧЖ бош директори **Лаазизбек Имомалиев**,

Жиззах вилояти Фаллаорол туманидаги “Oltin-Davr-Silver” МЧЖ БСК бош директори **Азиз Исроилов**,

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги “Меҳр” МЧЖ БСК бош ди-ректори **Гулнор Жаппасова**,

Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги “Kreativ Kommunal Ta’irlash” МЧЖ БСК бош директори **Мухаммад Саидиусмоновларни** таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**



IQTIMO'IY-IQTISODIY GAZETA
**O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятлов,
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магруппов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хомидбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Махкамов
Мусахҳиҳ	Марҳамат Муслимонкулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ”
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсанотқурилишматериаллари”
уюшмасы, “ЎЗАШКЛИТИ” ДУК,
“ЎзшаҳарсозлиқЛИТИ” ДУК,
“Қишлоқ қурилиш инвее” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон
Республикаси:** 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-941.
1508 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоиси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган кўлёмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарк” наشريёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Ҳўжаева.
Навбатчи –
А. Эгамбердиев.

ЎЗА якуни – 23.30.
Топширилди – 23.55.

12 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони
2024 йил 17 сентябрь куни чиқади.